

Мен бу асари noctizonomini биринчи мактабларимизнинг юкори синфларида таълим бермак ила баробар улуг адабиёт муhibлари, ахлок хаваскорларининг анзори олийларина такдим килдим.

Хар кун ўлурам шомгача мен гамга гирифтор,
Хар шаб ёнарам оташа парвона каби зор.
Хеч кимса эмас бу мени ахволима вокиф,
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор.

Ношири ва шоири Абдулла Авлоний

2-табъи, сана 1336 х./1917 м. Тошкент,
Тип. Лит. «Пар. Соц. революц» 1917 г.

Бисмиллахир Рохманир Рохийм

АХЛОК

Инсонларни яхшиликга чакиргувчи, ёмонликдан кайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулкларнинг яхшилигини, ёмон хулкларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён киладурган китобни ахлок дейилур. Ахлок илмини ўкуб, билуб амал килган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Хак на учун халк килганин, ер юзида нима иш килмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг кадрини, кимматини билмас. Ўз айбини билуб, икрор килуб тузатмакга саъй ва кўшиш килган киши чин баходир ва пахлавон кишидур. Расули акрам набийийи муҳтарам афандимиз: «Мезон тарозусига кўйиладурган амалларнинг ичida яхши хулқдан оғирроқи йўқдур. Мўмин банда яхши хулки сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат килган кишилар даражасига етар», – демишлар.

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўкса жим турмокинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар ўйла,
Йўкса гунг бўлмокинг эрур яхши.
Ишласанг ишла яхши ишларни,
Йўкса бекорлигинг эрур яхши.

ХУЛК

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, окни корадан айирур. Жасаднинг хам, нафснинг хам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур.

Жасаднинг сурати хаммага маълум бир нарсадурки, хар вакт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, акл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулк деб аталур. Агар бир киши ёшлигига нафси бузулуб тарбиясиз, ахлоксиз бўлиб ўсдими, «Аллоҳу акбар» бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туруб юлдузларга кўл узатмак кабидур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз:

«Бир тогнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулки бошка бўлди деб эшитсангиз ишонмангиз», – демишлар.

Хулки ёмон юз, кўзлидин на суд
Юз, кўзли хулкни килмас кашуд.
Хулк маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур кистасанг.
Хулки ёмонинг кетурагар кўп заар,
Хулкинг ўзи бошингга калтак ураг.
Хулки фано бўлса дегил алхазар,
Хор-у залилликда колур дарбадар.

ЯХШИ ХУЛК, ЁМОН ХУЛК

Ахлок уламоси инсонларнинг хулкларини иккига бўлмишлар Агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни килурга одат килса, яхшиликга тавсиф бўлуб, «яхши хулк» агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб «ёмон хулк» деб аталур.

Жаноби Ҳак инсонларнинг асл хилкатда истеъодод ва кобилиятли, яхши или ёмонни, фойда или заарни, оқ или корани айирадурган килуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги кобилиятни камолга еткурмак тарбия или бўладур. «Куш уясинда кўрганин киладур». Инсон жавхари кобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулклардан саклануб, гўзал хулкларга одатлануб катта бўлса, хар ким кошида макбул, баҳтиёр бир инсон бўлуб чикар. Агар тарбиятсиз, ахлоки бузулуб ўssa, Аллоҳдан кўркмайдурган, шариатга амал килмайдурган, насиҳатни кулогига олмайдурган, хар хил бузук ишларни киладурган, нодон, жохил бир расвойи олам бўлуб колур.

Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: «Имони комил бўлган кишилар яхши хулкли бўлурлар, сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик килганларингиздур», - демишлар.

Худонинг раҳмат-у файзи хама инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.
Тугуб ташлов-ла бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.
Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулки, Лукмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.
Ёмонларга кўшулди Нухнинг ўғли, ўлди беимон,

Юруди Каҳф ити хублар-ла бўлди оти инсон.

ТАРБИЯ

Тарбия – «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур.

Илми ахлокнинг асоси тарбия ўлдугиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия килмак, танини пок тутмак, ёш вактидан маслакини тузатмак, яхши хулкларни ўргатмак, ёмон хулклардан саклаб ўсдурмақдур. Тарбия килгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво килган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулк» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта килмоги лозимдур. Зероки, «Хассину ахлокикўм» амри шарифи узра хулкимизни тузатмакга амр ўлинганмиз. Лекин хулкимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлокимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур, баъзилар «тарбиянинг ахлокка таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида кандай бўлсалар, шундай ўсралар, табиат ўзгармас», – демишлар.

Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила.
Бокинг, бир дараҳт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур хар киши аслини рангидан,
Ва ёким улангандаги зангидан».

Лекин бу сўз тўгри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлокга, албатта, таъсири бўладур. Орамизда масал борки, «сут илиа кирган, жон илиа чикар», мана бу сўз тўгридур. Расули акрам набийи мухтарам саллоплоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган», – демишлар. Бу хадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Хукамолардан бири: – «Хар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига бўглидур», – демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия килмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим колган болаларини тарбия килмак фарзи кифоядур. Пайгамбаримиз: «Болаларингизни етти ёшида намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўқимаса урингиз», – демишлар.

Хар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият хамроҳ этадур хур илиа рузронлара,
Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.
Эй, Оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз,
Гайрат айланг ўтмасун вакт-замони тарбият.
Мояи зилли хумодур тарбиятнинг сояси,
Бизда анко тухмидек йўқ ошёни тарбият.

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни тугулган кундан бошламак, вужудимизи кувватландурмак, фикримизи нурландурмак, аҳлокимизи гўзалландурмак, зехнимизи равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар килур? Кайда килинур? деган савол келадур. Бу саволга, «биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидур», – деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «кайси оналарни айтурсиз, билимсиз, боши пакмок, кўли тўкмок оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни кайдан олиб берурлар», дер . Мана, бу сўз кишининг юрагини эзар, багрини ёндурап. Отасига нима дерсиз, десак , кайси ота? Тўйчи, улокчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм кадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари киймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия килмак лозимдур», – дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид кўллари кўлтукга урилур.

Хайр, бўлмаса муаллимчи десак, «Кайси муаллим? Максади пул, маслаги шухрат, юкори мактабларда ўкумаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари дорилмуаллимин»ларда ўқимаклари, сўнгра дарс бермаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз инсонни хайрат дарёсига гарк килур.

Мударрисларга на дерсиз десак, кайси мударрис? Матлаблари ош, максадлари чопон, дарслари беимтихон, ислох якинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонга мувофик равишда дарсларини ислох килуб, имтихон бирла ўқутмаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз хар кимни «Алислох» демакга мажбур килур. Бўлмаса хукумат-чи? десак, «хайр , хукумат хамманинг отасидур. Ўз фукаросининг болаларини тарбия килмак лозим, шунинг учун бизнинг Русия хукумати ўгай бўлсак хам, хар ерда бизлар учун хам мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялков, уйда онамиз тарбияси, отадан пул тарбияси, муаллимдан ахлок тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, хукумат мактабларидан хам ўз хиссаларимизни ололмаймиз», – дер. Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, хукукнинг на эканин билмаганлигимизни билдирур.

Алхосил, тарбия бизлар учун ё хаёт – ё мамот, ё нажот – ё халокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг қарами динидадур, муруввати аклиндадур, хасаби ахлокиндадур», – демишлар.

Агар бир кушнинг ёш боласин олиб,
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.
Онасин олиб асрарон бирла ром,
Килмас киши саъй килса мудом.
Керак тарбият ёшлиқдан демак,
Улуг бўлса лозим келур гам емак.
Эгур bemашakkat киши навдани,
Тўғунчи эгур куйдириб кавдани.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданнинг саломат ва кувватли бўлмоги инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумок, ўкутмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Сог баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик килурлар. Майшатимизни роҳатда бўлмоги жасадимизнинг соглом бўлмогига боғлидур. Биз сихатимизни сакламак ила амр ўлинганмиз, шунинг учун вужудимизи хифзи-сихатга зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмакдан сакланмаклигимиз лозимдур. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига хам ёрдами бордур. Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулклардан сакланмаса, чопоннинг устини кўйиб астарини ювуб овора бўлмок кабидурки, хар вакт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун махкам ва соглом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик килмай, тезлик ила табиб ёки дўхтурга бокизмак керак.

Имом Шофеъи хазратлари: «Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчи дин илми», – демишлар. Бунга караганда энг аввал хифзи сихат коидаларини билмак, саломатликга терс бўлган нарсалардан сакланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёқ, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатликига заарли, огулик, баъзиси харом, баъзиси макрух, баъзиси исроф бўлган нарсалардан кочмак, сакланмак шариат, акл, хикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Хар нарса кўп ичганда маст киладурган бўлса, ман сизни анинг озгинасидан хам нахй киламан», – демишлар.

Саломатликни саклов лозим ишдур.
Гунахдин сакла жисминг ёз-у кишдур.
Касал бўлсанг, бўлур дунё коронгу,
Майшат талх ўлуб хасрат чекишдур.
Харом-у шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айш-у ишратдан кечишдур.
Хама ишратчи хижронликда кетди,
Бу оламда бир иш ишлаб кетишдур.
Туркий гулистан ёхуд ахлок китоби

ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери такдир килинуб келган, муаллимларнинг диккатларига суялган, виждонларига юклangan мukaddas bir вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратли бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража мухтождурки, фикрнинг куввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса хам, иккиси бир-биридан ойилмайдурган, бирининг вужуди бириг бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичидаги ўтирмак мумкин ўлмадиги каби, ичига хар хил янги ашёлар тўлдурууб зийнатланган эски иморат хам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурса, инсонлар: «Эски уйга янги золдивор», «кир кўйлакка жун жияк», «мис

козонга лой тувок» деб хажв, кулги килурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Рухи равшан замир ўлур берунур.

АХЛОК ТАРБИЯСИ

Ахлок тарбияси: инсонларга энг мухим, зиёда шараф, баланд даражада бергувчи ахлок тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки дарс оловчи-билиувчи, тарбия оловчи-амал килувчи демакдур. Шунинг учун тарбия килувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб шогирдларга хам берган дарсларини амал ила чакуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиши таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир килуб, муллойи боамал бўлурлар.

Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Энг ёмон кишилар илмига амал килмайдурган кишилар», – демишлар. Агар тарбия килувчи муаллим ўзи олим бўлуб амалсиз бўлса, бунинг хам шогирдларнинг ахлокига зўр таъсири бўладур. «Домланинг ўзи фалон жойда фалон ишни килди. Аммо бизларга килманглар, харомдур, деб ваъз этадур», деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шубха тушуб коладур.

БАЙТ

Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар килма деб,
Ўзларин хилватда кўрсанг они килмокда эмиш.
Ичма сув дерлар биза олтун-кумуш асбобда,
Билсамиз максудлари кўлтукга урмокда эмиш.

ЯХШИ ХУЛКЛАР

Яхши хулк: бир кисми ўз нафсимизга, бир кисмини бир-биirimizga каршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулклар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, гайрат, риёзат, каноат, шижаат, илм, сабр, хилм, интизом, микёси нафс, виждон, ватанин суймак, хакконият, назари ибрат, иффат, хаё, идрок ва зако, хифзи лисон, иктисад, викор, хавф ва ражо, итоат, хакшунослик, хайрихохлик, мунислик, садокат, мухаббат ва афвдур. Мана бу ёздингимиз яхши хулклар акл ва шаръи шарифга мувофик. Аллоҳ таоло хам бандалар кошида макбул ва муътабардур. Эмди бу яхши хулкларни кўлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз хазратларининг хикматли насиҳатларини жон кулоги бирла тинглаб, доим хотирда тутмок, ахлоки яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоки бузук ёмон кишилардан кочмак лозимдур. Бизим шариати исломияда «ахлоки хасана» – яхши хулклар или хулкланмак, хар нарсага ибрат кўз ила бокуб, хулкини тузатмак вожибдур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам: «Исломиятда бузуклик йўқдур, бузукликни устига олев хам йўқдур. Исломиятда энг муътабар кишилар яхши хулк эгалари дур», – демишлар.

БАЙТ

Яхши бирла юрса, хар ким максуди хосил бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб котил бўлур.
Катталар килган насиҳатни кичиклар олмаса,
Окибат хулки бузук бир беадаб жохил бўлур.

ФАТОНАТ

Фатонат акл эгаси бўлув демакдир. Акл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур. Рух ишловчи, акл бошловчидур. Инсон акли ила дин ва эътиқодини маҳкам килур, шариат хукмларига бўюнсунар. Аклсиз жинни кишилар буларга бўюн кўймас, шариатдан ташкари ишларни хам килур. Жаноби Ҳак инсонни хайвонлардан сўз ва акл ила айирмишдур. Хайвонлар ўзларига бўлаклар тарафидан келадурган зулм ва жабрларни шоҳ, тиш, тумшук, тирноклари ила кайтарурлар. Лекин инсон жаноби Ҳак тарафидан берилмиш акл ва идроки соясида ўзига келадурган зарар ва зулмлардан сакланур. Ер юзидағи хайвонларни асир килуб, бўйнидан бойлаб, иларининг учини кўлларига берган инсонларнинг аклидур.

Илм инсонларнинг мадори хаёти, раҳбари нажотидур. Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим. Аклсиз кишилар на мактабга кирап ва на муаллимни билар. Расули акрам набиийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Эй инсонлар! Аклингизга тавозеъ килингиз. Сиз жаноби Ҳак буюрган ва кайтарган нарсаларни аклингиз ила билурсиз», – демишлар. Ҳукамолардан бири: «Агар аклингни кўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан саклар. Хар нарса кўп бўлса, баҳоси арzon бўлур, акл эса илм ва тажриба соясида канча кўпайса, шунча кимматбахо бўлур», – демиш.

Аклдек зебо сифатни кўрди Ҳак, инсонга эб,
Окил инсонлар билан берди жаҳон-оламга зеб.
Акл нури бирла тўлди дунёга илм-у хунар,
Аклсиз инсон качон билгусидур нафъ-у зарар?
Аклсизлар билмагайлар дин надур, дунё надур?
Бўлмаса акли билурми фарз ила суннат надур?

ДИЁНАТ

Диёнат аллоҳ хузурина якин киладурган мукаддас эътиқоддурки, оламда мундан суюкли нарса йўқдур Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар хакни ботилдан, фойдани зарардан, окни корадан, яхшини ёмондан айира олмас, мундай кишилардан на ўзига ва на бошка кишиларга, ва на миллатга тарикча фойда йўқдур. Дин жаноби Ҳак тарафидан бандалари учун курилмиш тўгри йўлдурки, банда дунё ва охиратда бу йўл ила соҳили саломатга чикар. Дин уламолари диний китобларда Аллоҳ таолога ибодат килишнинг йўл ва коидаларини баён килмишлар. Ибодат икки турли бўладур: Бири тан ибодати, иккинчиси рух ибодати. Тан ибодати taxорат, намоз, рўза, закот, хаж каби амаллардурки, буларнинг хар бирини ўз вактида шариатга мувофик равишда миннат килмасдан, риё килмасдан дилни поклаб, ниятни холис килуб, шавқ ва завқ ила адо

килмок лозимдур. Рух ибодати калб ила адо килинадурган ибодатдурки, эътиқодни махкам, дилни пок килуб, Куръон, Хадис, фикх каби диний китоблар окилганда жон кулоги ила тинглаб асарланмакдур. Бирни тан ибодатини килмаса, ё рух ибодатини килиб, тан ибодатини килмаса ўз вазифасини адо килмаган бўладур. Акл дин ила, дин амал ила, амал такво ила камол топар. Дин инсонларнинг дилидан саховат, марҳамат, шафкат, улфат, муруват эшикларини очуб, саодат ва саломат бўстонига олиб борур. Расули акрам набийийи муҳтарам саллоллоҳу алайхи вассаллам афандимиз: «Аллоҳни кўз олдингда кўруб тургандек ибодат кил, зероки, сан они кўрмасанг хам, албатта, Ул сани кўрадур, нафсингни ўлган хисоб эт», – демишлар.

БАЙТ

Пок килгил динингни, имонингни,
Кул хувар-рахмон оманно бих.
Динингни ёқмасун хавас зинхор,
Ва кино раббано азобан-нор.

ИСЛОМИЯТ

Исломият бутун инсониятдур. Инсоният эса яхши хулқдан иборатдур . Исломиятни расули акрам саллоллоҳу алайхи вассаллам афандимизнинг ёлгуз ўзлари бутун дунё юзига яхши хулклари соясида таркатдилар. Сахобалар хам Пайғамбаримизнинг оркалидан эргашуб, махкам эътиқодлари, яхши ахлоклари, пок калблари, ўткир шижаотлари ила ер юзуни титратдилар. Кундан кун исломиятнинг шавкат ва куввати ортди. Оламга маданият, маърифат, мусовот, адолат уруглари Арабистон ярим оролидан ёйилди. Бунинг сабаби сахобалардаги мөтин эътиқод, бузулмас иттифок, соғ калб, яхши амал, холис ният, туганмас гайрат, гўзал ахлок эди. Хар нарсанинг офати ўлдиги каби замонларнинг ўтуви ила исломиятнинг иттифокина кўз тегди. Мусулмонлар орасига тафрика тушди. Ҳикмат эгалари, фунун сохиблари исломиятдан кувланди. Илм-у ҳикмат хазиналари кулфланди. Жаҳолат, адоловат хукм сурди-да, бўйла ўлди:

Афсус экинзорни селоб олибдур,
Дехконни фалокат босуб, уйкуда колибдур.

Мусулмонларнинг дилига иттифок ўрнига нифок, адолат ўрнига зулм, мухаббат ўрнига адсоват, гайрат ўрнига атолат, муруват ўрнига газаб, саховат орнига бухл, тавозуъ ўрнига кибр, садокат ўрнига ифтиро, шафкат ўрнига хасад, хилм ўрнига хамокат, хурмат ўрнига хусумат, каноат орнига тана, сабр ўрнига гурур, иктисад ўрнига исроф, афв ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат, гайрат ўрнига хурофот ерлашди. Мана, шул ёмон хулклари сабабидин асли саодатдан буён исломият кейин караб кетди. Гариб миллатнинг чин хулафоси, уламоси, хукамоси таҳтидан, мансабиндан мазхабиндан сурулди. Одиллар ерина золимлар, олимлар ерина абу жаҳллар, булбуллар ерина каргалар, кумрилар ерина бойкушлар, билмам ва хокимлар ерина кимлар ўтурди. Шул сабаблара мабни исломият дунёси инкиroz сахросина юзланди. Ислом хукуматларида бирин-кетин кўздин нихон ўлди.

Етса навбат ўлтуар бойкуш
Сулаймон томига,
Ўрмагучлар ин кўяр
Афросиёб айвонига.

НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмокни айтилур. Поклик зехн ва идрокингни кенг ва ўткур килур. Халк орасида эътибор ва шухратга сабаб бўлур. Поклик или хар хил касаллардан кутулуб,

жонимизнинг кадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур. Пок бўлмаган киши Аллоҳ хам халк кошида севимсиздур. Йиртик, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир килуб, ёгини чикаруб юрмак зўр айб ва гунохдур. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар кўзига исломиятни чиркин килиб кўрсатмок бўладур, хам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, киркилуб тамом бўладур. Бу исроф, мол кадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси или кутулмок керак. Баликнинг хаёти сув или ўлдиги каби, инсоннинг саломатлиги хаво иладур. Агар тан пок бўлуб ювилиб турмаса, кулок кир бўлса, эшитмагани каби бадан хам ўзига керак бўлган хавони ичига ололмас, ичидаги рутубат хам кирдан ўтуб чикуб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув хам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар кўркинч касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодликлари гамда, олтундан кадрли умрлари кас

алхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя килуб, шариатимиз бизга покликни фарз килмишдур. Поклик мусулмонлигнинг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойномози пок бўлмаган кишининг ибодати хам дуруст бўлмайдур. Расули акрам набийийи мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўлмаган киши жаннатка кирмас», – демишлар.

Халки олам севгусидур тозалик, покни,
Поклик орттургусидур фаҳм или идрокни.
Хар кишини кўксида поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан кувгайлар ул бебокни.

САЪЙ ВА ГАЙРАТ

Саъй ва гайрат деб устига юкланган ибодат ва хизматларни харакат бирла адо килмакни айтилур. Шариат хам акл юзасидан ялковлик килуб, ишсиз, бекор юрмак дуруст эмасдур. Зероки, Кур ъони карим бизларни саъй килмокга амр этмишдур. Дангасалик хар вакт инсонни хор, тاما балосига гирифтор килур. Бир ишга машгул бўлган кишилар вактнинг ўтганини билмас, ялков кишилар учун бир соат ўткармак киёматдан кийиндор. Гайрат вужудимизга куввати масъуд ва баҳтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун хар биримиз саъй килуб, ўз кучимиз или машатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга мухтоҷ бўлмай роҳат-роҳат яшамок лозимдур. Сихатимиз, саодатимиз, сарватимиз, каноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алхосил, бутун хаётимиз

харакатимизга бөглидур. Харакатлик кишилар тезгина максудлариға етурлар. Ялков кишилар хар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлуб хорликда колурлар.

Киши ёш вактида илм ва маърифат, хунар ва санъатга бўйин кўймаса, тараддуд килмаса, албатта, кора ишчи бўлуб колур. Шариатга терс, конунга зид бўлмаган хизматларни килмак айб эмасдур. Агар бунга хам бўйин кўймай бу кўмирчилик, бу темирчилик менга муносиб иш эмас деб, дангасалик килуб, ишсиз юрса, зўр айб, гайратсизликдур. «Гайратликдан имон кутилмас» деган масал бор. Бунга караганда дунё ва охиратимиз учун гайратни кўлдан бермаслик лозимдур. Гайрат имона, салобати виждана далолат этар. Ҳазрати Умар эшик олдида бекор ўтирган бир кишини кўруб: «Гайратсиз кишилардан Худо безор, исломият гайрат ила ривож топди, сандек ялков кишилардан исломият хазар килур», – демишлар.

Ҳак буюрди: «Лайса лилинсони илло мо саъй»,
Гайрат ила ўтди оламдан Мухаммад Мустафо.
Биз-да умматмиз, килайлук саъй ила хайр-у сахо,
Килсалар шояд шафоат сохиби рўзи жазо.

РИЁЗАТ

Риёзат деб савоб ишларни килуб, гунох ишлардан сакланмокни айтилур. Риёзат адабнинг кони, рухнинг дармонидур. Инсонларни тўгри йўлга солуб, эгри йўлдан кайтаргувчи риёзатдур. Шул сабабли риёзат килгувчилар окил ва фозил бўлур. Аллоҳ хам халқ кошида макбул ва мўтабардур. Ялковлик, кўп ухламак, ёмон одамлар ила юрмак, вактни бекор ўткармак, айш-у ишрат килмак, кўп ошамак, фойдасиз сўзлар сўзламак, самоварларда, кўчаларда азиз умрни бўш откармак каби ишларнинг хаммаси риёзатга зид, умрнинг эгови, Худонинг газабидур. Аллоҳнинг буйруги, Расулуллоҳнинг суннатлари, шариат кил деган ишларни бирин-кетин ўз вактида килмак ибодат хам риёзатдур.

Риёзатни риоя килган кишилар хеч вакт шариат йўлидан айрилмас, Аллоҳ буйругидан четга чикмас ва бу йўл ила охират азобидан кутулур, роҳат ва раҳмат саройига кирав, риёзатни риоя килмаган кишилар Аллоҳ таолонинг ризосини тополмас, хор-зор бўлуб, охиратда аламлик азобга гирифтор бўлур.

Афлотун ҳаким: «Мен риёзатдаги лаззатни хеч нарсада кўрмадим, зероки, вужудимнинг саломати, рухимнинг саодатини риёзатда топдим. Шунинг учун риёзат айни саодатдур деярам, чунки фикрнинг, тилнинг ислохи баданинг риёзатига бөглидур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Тан риёзатидан кўпроқ рух риёзати лозимдур. Мард киши ўзини риёзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила хайвон орасидаги фарқ ёлгуз майшатда эмас, яхши ахлок касб килмокдадур», – демиш.

Риёзат мевасидур мисли бодом,
Юзи каттиг ичидур ишта инъом.

Кишин максудина элтар риёзат,
Риёзатсиз иш ўлгай бесаранжом.
Агар сабр-у риёзат чексанг, эй жон,
Пишуб олдингга тушгай мевайи хом.

ШИЖОАТ

Шижаат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилур. Шажиъ киши хеч нарсадан кўркмайдурган ботир ва юракли бўлур. Саъй ва гайратнинг зидди дангаса ва ялковлик ўлдиги каби шижаатнинг зидди кўркокликдур. Кўркок савдогар фойда килмас. Кўркок киши ўзининг соясидан хуркар, хеч бир иш килишга юраги бўлмас. Кўп кишилар вахима ва кўркоклик оркасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурлар. Шунинг учун хар ишда шижаатни кўлдан бермаслик лозимдур. Шижаат инсониятнинг соф ойинаси, иффат, гайрат, истикомат каби яхши хулкларнинг нуронийсидур. Шижаатнинг хакикати калбнинг матонатиндан, рухнинг саломатиндан иборатдур. Хозирги замонда ботирлик – бойлиқда, кайси давлат ва миллатнинг давлати болса, шул устун бўлмақдадур. Чунки хукумат учун халк, халк учун хунар, хунар учун илм, илм учун акча лозимдур.

Сарватли миллатлар миллиятларини йўкотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айланурдилар ва бу сояда бир-бирларига галаба ва ракобат кила бошладилар. Сехргар ва жодугарлик или эмас, тижорат ва саноатгарлик или чолишкон Ёврўпа, Африко ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар килмақдадур.

Бу замонда фил или жанг айламак эрлик эмас,
Эр ўшалдурким тутар илм-у хунарнинг ёқасин.
Бешлаб, ўнлаб сўм топишса, илм или агёрлар,
Биз бўлуб хаммол, оладурмиз тийинлаб чокасин.
Бошкалар санъат, тижорат-ла тараккий айласа,
Бизни эл тортар аёгдин ўлган отнинг токасин.

КАНОАТ

Каноат деб жаноби Ҳак тарафидан ихсон бўлган ахволга етишдигимиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган факт, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр килмокни айтилур. Каноат хасад, тама, хирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг гиносидур.

Каноат бир хазинадурки, накдинаси кундан-кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини шавк ва роҳатда кечируллар. Бунинг или баробар каноатсизликдан пайдо бўладурган хасад деган жоннинг энг зўр душманидан кутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, майшатина хасад килмас, каноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўткарур. Инсон хар бир ишга кучи етгунча чолишмок, жаноби Ҳак тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга каноат килмок лозимдур.

Зероки, инсон ўз майшатини, номусини сакламок учун фидойи жон даражасига боргунча

саъй килмокга буюрилмишдур, лекин бу саъйнинг машруйи хар бир ишда каноатни кўлдан бермасликдур. Оламда каноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур. Жаноби Хакнинг амрига итоат кандай саодат эса, такдирига каноат зиёда баҳтиёрликдур.

Хазрати Али афандимиз: «Дунёда саъй-жадали ила майшат ўткарған каноат эгаси хеч кимга муҳтоҷ бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар», – демишлар.

Афлотун хаким: «Инсоннинг саодати каноатини кўлда тутмакда, сарват ва майшат тўғрисида жаноби Хакнинг такдирига рози бўлмақдадур», – демишлар.

ИЛМ

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, хар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун гоят олий ва мукаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз ахволимизни, харакотимизни ойина каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни килич каби ўткур килур. Савобни гуноҳдан, халолни харомдан, тозани мурдордан аюруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик килуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дараҳт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, кариндош-уругига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни хам лойикича кила олмас. Илмнинг фойдаси у кадар кўпдурки, таъриф килгон бирла адо килмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат коронгулигидан куткарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чикарур, ёмон феъллардан, бузуг ишлардан кайтарур, яхши хулк ва адаб сохиби килур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдурур, жаноби Хакнинг азамат ва курдатини билдирур. Алхосил, бутун хаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, химматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур. Пайгамбаримиз: «Илмга амал килгучилардан бўлингиз, накл ва ривоят килгучилардан бўлмангиз», – демишлар.

Илм бир дарё ичи тўлмиш дур-у гавхар билон,
Киймат-у кадрин качон билгай они жоҳил йилон.

Олим кишилар хар ерда азиз ва хурматлидур. Шариатимизда кайси илмга муҳтоҷ бўлсанг, шуни билмак бизга фарздур.

Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини кўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан кутулмакга жонимиз борича саъй килмагимиз лозимдур.

АҚСОМИ ИЛМ

Илм диний ва фанний кисмлар ила иккига бўлинур.

Диний киши бўлмак учун улуми диния ўқумак ила баробар хисоб, хандаса, тарих, хикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни хам билмак, чин олим бўлмак лозимдур. Чунки бу илмларнинг иккиси хам дунё ва охиратимиз, хаёт ва саодатимиз

учун энг керакли нарсалардур.

Ўткан замондаги ислом уламолари хар бир илмга тиш-тирноклари или ёпишдилар¹, ўқидилар, ўқитдилар, улум ва фунун соясида исломият тараккий килди, маданият таркатди, китобхоналар, кироатхоналар, етимхоналар, камбагалхоналар, касалхоналар очилди. Хозирги мусулмонлар таассуб ва жаҳолатлари или мактанулари каби, аввалги замон мусулмонлари илм ва маърифат, китоб ва асарлари или мактанурлар эди. Алхосил, хар бир миллатнинг тараккий ва таолийси ёшларининг илм ва маърифатига, хунар ва санъатига боғлидур. Расули акрам набиийи мухтарам саллоплоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Илм ўқимак хар бир мўмин эр-у хотунга фарздор», – демишлар. Ажабо, Куръонимиз, Пайгамбаримиз ўкингиз, деб амр килгон холда, бизлар на учун харакат килмаймиз, кимиirlамаймиз. Бошка миллатларнинг ўгуллари, кизлари

кеча демай, кундуз демай, ёз демай, киш демай илм йўлида жонларини фидо килуб, кувушуб, югурушуб, кўзларимизни камашдируб турган бир замонда бизлар хамон² уйкудан, гафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтартмаймиз, ибрат олмаймиз. Пайгамбаримиз: «Олим бўл, илм талаб килувчи бўл, ёки илмни эшичувчи бўл, хеч бўлмаса шуларга мухабbat килувчи бўл, бешинчиси бўлма, халок бўлурсан», – демадиларму?

Топар илм или одам оғли камол,
Етурмас камола жамол или мол.
Керак ўртнур илм учун шамъдек,
Танумок Худони илмсиз маҳол.
Талабгор ўлур илма оқил киши,
Сотар илм бозори моли халол.
Талаб айламак фарздор бизга илм,
Бу амр узрадур эр-хотун, ёш, чол.

САБР

Сабр деб бошимизга келган бало ва казоларга чидамли бўлмакни айтилур. Хар бир ишда сабр ва совукконлик или харакат килмак лозимдур. Чунки бошимизга келадургон бало ва казо, захмат ва машаккатларнинг барчаси жаноби Ҳакнинг иродаси или ўлдиги учун буларга сабрсизлик килган кишилар ажр ва савобдин курук колурлар. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби ҳак собирларни суръ. Куръони карим ичida кўп ерда сабрни, собирларни мадҳ килмишдур. Шариати исломияда жаноби Ҳак тарафидан келган бало ва казога сабр килмок фарзи айндор.

Инсон хар бир ишни сабр ва матонат или юрутса, максудига тинч ва роҳатда боруб етар. Хамиша саодатда яшар.

Секин борган киши максуда ётгай,
Шошуб бесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бўлса нафсингга йўлдош.
Сени тавфики раббонига элтгай.

Нафсини сабр ила ром килган киши хар ишда ошикмай, охиста харакат килур. Нафсини халокатдан, гуурдан саклар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шахватни иффатга, газабни шижаатга, шиддатни хилмга, катталикни тавозуъга, ёмонликни яхшиликга айлантурмакга куввати етар. Шул хусусда сўйланмиш бир хадиси шарифнинг маъноси «иљим имонли кишиларнинг муҳиби, хилм хомийси, акл

далили, яхши амал сармояси, мулойимат волиди, афв ахавони, сабр хокими виждонидур», – дейилмиш. Араблар: «Ассабру мифтохул-фараҳ» – «сабр шодлигнинг калидидур», – деюрлар.

Сабр ила хар мушкул иш зойил бўлур,
Сабр эдан максудина нойил бўлур.
Хар кишида бўлмаса сабри жамил,
Нафс кўйина юруб сойил бўлур.
Сабр килсанг, гўрадан халво битар,
Сабрсизлар ўз оёгидан йитар.

ХИЛМ

Хилм деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланмайдурган, арслон юракли, юмшок табиатли бўлмокни айтилур.

Хилм инсонларнинг табъидан хусумат, адоват, газаб, хиддат каби ёмон хулкларни йўқ киладурган хар кимча макбул бир сифатдур.

Хилм илми ахлок юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.

Нафснинг роҳати, калбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг халовати халим табиат бўлмок ила хосил бўлур. Чунки халим кишилар хар канча кувват ва кудрат сохиби бўлса хам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомала килмас. Фикри саломат кишиларнинг калби халим, табъи карим ўлур. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладирган афъол ва харакотимизнинг манбайи хавас ва орзудур. Бу хавас ва орзуга факат хилм или голиб келурмиз ва бу васила ила тўгри йўлга киругб, яхши хулк сохиби, дин ва миллат ходимларидан бўлурмиз. Дунёда чин инсон бўлмак учун хаваснинг кўлига нафснинг жиловини бермайдирган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдурган, совукконли, юмшок табиатли, мулойим сўзли, халим ва сабрли бўлмак лозимдур.

Зотига, хилмияти мавсуф килса хар киши,
Икки оламда бўлур роҳат, халоватда иши.

Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: «Алхилму саййидал ахлок – Хилм хулкларнинг саййидидур», – демишлар.

Сукрот хаким: «Шиддат ила муомала килган кишиларга ман викор ва халимлик или мукобила килурман, чунки хилм шиддатни, хусуматни паст килур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган халимликдан ман безор», – демиш.

Бу сўзга караганда саховатнинг ифрати исроф ўлдиги каби ўринсиз ерда хилм истеъмол килмак инсоннинг викор ва эътиборини поймол килур. Шунинг учун хилмият худудидан – чегарасидан чикмай, газаб, хиддат каби ерларда хилм истеъмол килуб, нафснинг хароратини паст килмолидур. Лекин тепса тебранмайдурган, туртса тинг этмайдиган бўлуб, гайрат, шижаот ўринларига хам мулойимлик ишлатув халимлик худудидан ошуб, бўшлиқ, анковлик дунёсига чикмакдур. Бундай халимликдан кочмак, хазар килмак керак.

Халимликни килсанг агар ихтиёр,
Бўлур халки олам санга дўст-у ёр.
Бўлур мевалик шохни боши паст,
Халим ўлгуси окили хушёр.

ИНТИЗОМ

Интизом деб киладурган ибодатларимизни, ишларимизни хар бирини ўз вактида тартиби илиа килмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақика яшолмас эдилар. Жаноби Хак ер-у осмонларни, ой ва юлдузларни, инсон ва хайвонларни, курт ва кушларни шундай бир низом илиа тарбият бериб яратмишдурки, акл билмақдан, калам ёзмакдан, тил сўзламакдан ожиздур. Дунёга келган пайгамбарларнинг хар бирлари дин ва шариатларини тарбият ва низом илиа юрутмишлар. Хусусан, ислом дини мукаммал равишда тартиб ва низомни риоя килмишдур. Ва бу сояда озгина замонда ислом уруглари бутун дунё юзига ёйилмишдур. Ислом давлатларининг барпоси низом ва интизом илиа ўлдиги кади барбод ва инкирози хам тартиб ва низомсизлик илиа бўлмишдур. «Хайр, ўткан ишга саловат». Алхосил, хар бир миллатнинг тараккий ва таолийси ишларини вактида низомдан чикмай тартиби илиа юрутмакга баглидур. Шогирдлар мактаб ва мадрасалардаги замонга мувофик равишда курилмиш, низом ва тартибларни риоя килмаклари лоз имдур. Чунки тартиб ва низомни риоя килмаган кишиларнинг ишлари хамма вакт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб узра юрутган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўткарурлар. Хозирги замонда бизнинг Туркистон бойларининг ишлари тўхтаб, синувларининг биринчи сабаби ишларини ахлоксиз, билимсиз, мусриф, ялков кишиларга топширувлари илиа баробар ўзларининг замонга мувофик тартиб ва низомдан хабарсизликларининг емушидур. Пайгамбаримиз: «Касбларнинг ортугроки хиёнатсиз, ёлгонсиз килгон савдо ва тижорат илиа банданинг ўз кўли бирлан ишлаган ишидур», – демишлар.

Давлатни кони, манбайи тартиб-интизом,
Сарватни пойдори эрур иктисади том.
Мухтоҷлиг юзини кўрар деб гумон килманг,
Тартиби бирла юрса, кишининг иши мудом.

МИКЁСИ НАФС

Микёси нафс деб киладурган амалларимизни, ишларимизни шариат, инсоният конунига мувофик ўлуб, ўлмайдигини виждонимиз илиа ўлчаб кўрмакни айтилур. Нафс ўлчови

хакикий бир ўлчовдурки, инсоннинг ўз нафсига лойик кўрмаган муомалани бошкалар хакида ижро этмокга кўймас, фикр эгалари, инсоф сохиблари хар вакт нафс ўлчовидан ташкари харакат килмас.

Агарда бир сабаб ила шариат хукмидан, инсоният конунидан чет кетса, бу кабохатини нафс ўлчови или билуб, иккинчи мартаба килмасга касд ва ният килуб, шариат низомидан, инсоният чизигидан чикмасликга саъй ва гайрат килур.

Алхосил, нафс ўлчови таътифдан ташкари инсонлар учун энг фойдали, хар кимча макбул буюк бир фазилатдур.

Буюк Искандар: «Дунёда энг хакикий, тўгри ўлчов нафс ўлчовидурки, бу мезонда зарра нуксон йўқдур», – демиш.

Ибн Сино хаким: «Инсоннинг фазл-у камолининг ўлчови нафснинг ўлчови или ўлчанур», – демиш.

Дунёда хар нарсанинг маҳсус ўлчови бўлар,
Банда аф ъолини вижданни или тортиб кўрап.
Бир ишига вазнда келса оғир ўз нафсига,
Ул ишинг кандог бўлакларга раво, лойик кўрап.

ВИЖДОН

Виждон деб рухимизга, фикримизга таъсир киладурган хиссиёт, яъни сезув – туймакдан иборат маънавий кувватни айтилур. Биз хар вакт афъол ва харакотимизни яхши ва ёмонлигини, фойда ва зааралигини онжак виждонимиз или билурмиз. Виждон инсоннинг акл ва фикрини хакикий мезонидурки, бу тарозу или ўз камчиликларини ўлчаб билмак или баробар бошкаларнинг хам афъол ва харакотини сезур. Агар ишлаган иши шариат, акл ва хикматга мувофик бўлса, мухаббат килур. Кабохат ва ёмон ишларни килса, нафрат килур. Биз жаноби Хакнинг амр ва нахйини фикр ва рухимизнинг маънавий куввати ўлан виждонимиз или айира билурмиз.

Виждон яхши хулкларнинг манбайи ўлдигиндан виждон сохиблари хар бир ишни бегараз, холис ният или ишлар.

Шул сабабли хар ким назарида макбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида ният ва амалларида, дўст ва ошноликларида яширин бир гаразлари ўлдигиндан хар вакт хасрат ва надомат чекуб, виждон азобига гирифткор бўлурлар.

Хар бир инсоннинг хакикий фоили виждонидур,
Меваси яхши амалдур, хосили виждонидур.

Инсон диний вазифаларининг улуввиятини виждони соясида такдир кила билур. Чунки,

виждони саломат кишилар имон ва эътиқодларини камолга еткурмак учун жаноби Ҳакнинг буйрукларини дин ва миллатга фойдали ишларни шод ва хуррамлик илиа ишлар.

Алхосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракотини кўрсатадурган мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар килган киши ўз айб ва камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва кусурларини ахтармокга вакти бўлмас. Бизим исломиятда виждон ахлокининг ислохи учун саъй-ҳаракат килмак лозим ўлдигиндан шул доирада ҳаракат килгон кишилар икки жаҳонда азиз ва мукаррам бўлурлар. Арасту ҳаким: «Рухимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз, фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, хиссиётимизнинг рухимизга таъсир эттиргувчи бир робитайи илқтирикийасидур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Виждон рух ва фикримизни туйгун килмакга биринчи воситадур», – демиш.

Соф виждон каби хеч комила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур ўлур инсоф илиа виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тўғри, чин инсон ўлмаз.

ВАТАННИ СУЙМАК

Ватан. Ҳар бир кишининг тугулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким тугулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суюр. Ҳатто бу ватан хисси-туйгуси хайвонларда ҳам бор. Агар бир хайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, майшати талх бўлуб, ҳар вакт дилининг бир гў шасида ўз ватанининг мухаббати турар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сүйдигимиз каби, араблар арабистонларини, кумлик, иссиг чўлларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совук кор ва музлик ерларини бошка ерлардан зиёда суюрлар. Агар сўймасалар эди, хавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб хижрат килурлар эди.

Боболаримиз «Киши юртида сulton бўлгунча, ўз юрtingда чўпон бўл», – демишлар.

Мен айблиқ эмас, эй ватаним, тогларим,
Бевакт ташлаб кетдим, оё, богларим.
Хижрон килодур мени жудолиг,
Дўнди гама рўз-у шаб-у чогларим.

Хаммага маълумдурки, энг мукаддас диний еримиз ўлан Арабистонга бодларини, ховлиларини сотуб хижрат килган хожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига кайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупрокларининг меҳр-у махаббатидур. Расули акрам набийий мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Хуббул – ватани минал имони – ватанни сўймак имондандур», – демишлар.

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на гам, колур авлодима уй-у ватаним.
Губора дўнса гамим йўқ вужуд зери вахм,
Чароки ўз ватаним хокидур гўр-у кафаним.
Тугуб ўсан ерим ушбу ватан вужудим хок,
Ўлурса аслина рожеъ бўлурми ман гамнок?

ҲАККОНИЯТ

Ҳакконият деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилур. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳакконият йўли ила чикар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳакшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаккониятдур. Жаноби Ҳакнинг шу номи муборакини муқаддас билган киши хеч вакт ҳаккониятдан айрилмас, чунки ҳакконият нури кайси дилда жилвагар ўлса, жаноби Ҳакнинг тавфики раббонийси шу дилда нашъу намо килур. Акл әгалари, виждан сохиблари хар вакт кўрган, килган ва билганларини, ҳакикатни ва тўғрисини сўзлар. Ишда тўғрилик бирорвнинг нафсига, молига хиёнат килмов, сўзда тўғрилик хар вакт рост сўзламакликдур.

Ростлиг ҳакнинг ризосини топар,
Тўгри йўлда йўқ бўлурму хеч чопар?

Бизим шариати исломияда агар бир кишининг ҳакига бўхтон килинуб, килмаган ишни килди деб сўз сўйланса, билган киши ростини сўзлаб, шул кишини окламак вожибдур. Расули акрам набийийи мухатарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Аннажоту фиссиддики – нажот ростликдадур», – демишлар. Ҳазрати мавлоно Румий: «Исломият айни ҳаккониятдур . Ҳакни кабул килувчилар хукуки шаръияни сакламокга буюрулмишдурлар. Чунки шариат хукмларининг энг асосий илдизи ҳаккониятдан иборатдур», – демишлар.

Ҳакшунослик ўлмок шарофатдур жаҳонда одама,
Ҳакни изхор айламак бирла кўрук вер олама.
Ярашур инсона сидку тўғрилик гар кўрса гирих,
Тўгрининг ёрдамчисидур ҳак таоло гам ема.
Тўғриларнинг маскани фирдавс айвонидадур,
Эгрилар икки жаҳонда гам-алам конидадур.

[Китобни кўчириб олиш \(лотин ва эски ўзбек ёзувида\)](#)